

## Сўраганда охират саодатини сўраш кераклиги | Ҳадис дарслари (272-дарс)

Image not found or type unknown



19:00 / 06.03.2024 3703

بُعَاكَ نُبَّعَ عِيَبَرُ نَع  
هُنَعُ هَلْ لِي ضَرِّي مَلْسَ أَلَا  
يَبْنَلَا عَمُ تِي بَأُتُنُكَ : لَأَق  
مَلَسَ وَ هِي لَعُ هَلْ لِي لَص

هَتَجَاحَوْهٖئِوَضَوْبُهُتِيَتَأْفُ  
تُلُقَفُ، لَسْ : يَلَلِاقَفُ  
يَفَكَتَقَفَأْرْمَكُلَأْسَأُ  
كِلَذَرِيغٌ وَأَقِ، هَنَجَلَا  
يِنَعَأْفُ : لَأَقِ، كَأَذَوُه تُلُقُ  
ةَرْتَكِبَكِسْفَن يَلَع  
إِلِةَسْمَخَلَا هَأَوْرِي دُجْسَلَا  
يِرَاخُبَلَا

Робийъа ибн Каъб ал-Асламий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга тунаган эдим. У зотга таҳорат сувлари ва бошқа ҳожатлари тушадиган нарсаларини келтирдим. У зот:

«Сўра», дедилар.

«Жаннатда сизга рафиқ бўлишни сўрайман», дедим.

«Бундан бошқани эмасми?» дедилар.

«Шунинг ўзини», дедим.

У киши соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ундай бўлса, менга ўзинг учун кўп сажда ила ёрдам бер», дедилар».

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Робийъа ибн Каъб ал-Асламий розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда кечаси бирга қолган эдилар. Ўшанда у зотнинг хизматларини ихлос билан қилиб, таҳорат суви, мисвок ёки жойнамозга ўхшаш ҳожат тушадиган нарсаларни келтирганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишидан рози бўлиб, «Хоҳлаган нарсангни сўра», дебдилар. Ана ўшанда Робийъа ибн Каъб ал-Асламий:

**«Жаннатда сизга рафиқ бўлишни сўрайман», деди.**

У киши жуда катта нарсани, умуман, ҳаётнинг асосий муддаосини сўраган эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг ниятлари жиддийлигини билиш учун:

**«Бундан бошқани эмасми?» дедилар».**

Лекин Робийъа жиддий оҳангда:

**«Шунинг ўзини», дедилар.**

**«Ундай бўлса, менга ўзинг учун кўп сажда ила ёрдам бер», дедилар** Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Бу Пайғамбаримизнинг «Мен сенинг жаннатда рафиқим бўлишинг учун қўлимдан келган ҳаракатни қиламан, аммо ўзинг ҳам бу ишда менга ёрдам бер. Менга ёрдам беришинг саждани кўп қилиш билан бўлсин», деганларидир.

Бундан жаннатга киришнинг энг асосий омиллари намоз ва ундаги саждалар эканлиги билинади.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Аҳли фазл кишиларнинг хизматида бўлиш фазилатли иш эканлиги.
2. Улуғ кишиларга таҳорат суви ва шунга ўхшаш ҳожатлари тушиб турадиган нарсаларни муҳайё қилиб туриш кичикларнинг вазифаси эканлиги.
3. Аҳли фазл кишилар ўзларини рози қилган атбоъларига мурувват этиб туришлари.

4. Сўраганда охират саодатини сўраш кераклиги.

5. Бир нарсани сўраган кишидан: «Бундан бошқани эмасми?» деб сўраш жоизлиги.

6. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам амал қилмаган одамнинг жаннатга киришига бевосита сабаб бўлмасликлари.

7. Намознинг фазилати катта бўлиб, унинг жаннатга кириш учун зарур амал эканлиги.

8. Робийъа ибн Каъб розияллоҳу анҳунинг фазилатлари.

Демак, иложи борича кўп намоз ўқиб, саждани кўпайтиришимиз лозим. Ана шунда жаннатдан ва ундаги олий мартабалардан умидвор бўлсак ярашади.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.***